

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TASHQI ISHLAR VAZIRLIGI

100066, Toshkent, I.Karimov ko'chasi, 45a-uy
Tel.: (998-71)239-46-35



MINISTRY OF FOREIGN AFFAIRS
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

45a-house, I.Karimov street, Tashkent, 100066
Tel.: (998-71) 239-46-35

01-18-18/1689-son 24 yanvar 2025 yil.

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Ўзбекистон Республикаси
Олий таълим, фан ва
инновациялар вазирлиги

Ўзбекистон Республикасининг Ар-Риёддаги элчиҳонаси маълумотига кўра, айни вақтда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ) Илмий ва технологик ҳамкорлик бўйича доимий қўмитаси (COMSTECH) томонидан “COMSTECH AWARDS 2025” мукофоти учун ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Мазкур танлов якунида қўйидаги 4 йўналишда жами 10 та номинация бўйича илмий тадқиқотчилар ва олимларни мукофотлаш режалаштирилган:

1. Биология ва кимё фанлари ривожига умрбод қўшилган хисса учун;
2. Фан ва технологияларда илғор илмий ютуқлар учун;
3. Энг яхши илмий нашр учун;
4. Илм-фан коммуникациялари соҳасидаги ютуқ учун.

Иштирок этувчи шахс ёки муассаса тавсия этилган расмий хат ва тегишли ҳужжатларининг электрон нусхаларини 2025 йил 31 марта қадар COMSTECH котибияти awards@comstech.org электрон почтасига юборилиши талаб этилади (маълумот илова қилинади).

Шу муносбат билан ушбу маълумотни мамлакатимизнинг олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот институтларига етказилишида кўмак беришингизни сўраймиз.

Кўриб чиқиш учун юборилмоқда.

Илова: 2 в.

Вазирнинг
биринчи ўринbosари



Б.Аълоев

Ижр.: Б.Умаров
Тел.: (91) 782-16-77

Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi

“COMSTECH AWARDS 2025” мукофотига оид

“COMSTECH AWARDS” мукофоти 1996 йил Илмий ва технологик ҳамкорлик бўйича доимий қўмитаси (COMSTECH) томонидан таъсис этилган бўлиб, ИХТга аъзо давлатлар фуқаролари ҳамда ушбу мамлакатларда фаолият юритаётган олимлар учун мўлжалланган.

2025 йил учун мукофот қўйидаги номинациялар бўйича берилади:

1. Биология ва кимё фанлари ривожига умрбод қўшилган хисса учун.

Ушбу номинация биология ва кимё йўналишида узоқ йилдан буён фаолият юритиб келаётган олимларга берилади. Ҳар бир фан бўйича ғолибларга сертификат, фахрий нишон ва 8000 АҚШ долларидан пул мукофоти топширилади.

2. Фан ва технологияларда илғор илмий ютуқлар учун.

Ушбу номинация бўйича қўйидаги уч йўналишда аризалар қабул қилинади:

- Ёш тадқиқотчилар учун (2025 йил 31 март ҳолатига кўра 40 ёшдан кичик шахслар иштирок этиши мумкин);

- Энг яхши илмий китоб учун (2023-2024 йилларда халқаро нашриётлар томонидан чоп этилган китоблар);

- Патент учун (мукофот илмий назарияни янада бойитиш ва/ёки тижорат тизимларини ишлаб чиқилишига давомли ижобий таъсир кўрсатган қашфиётлар учун берилади. Танловда фақат охирги беш йил ичида рўйхатдан ўтган патентлар кўриб чиқилади);

Ҳар бир йўналиш бўйича ғолибларга сертификат, фахрий нишон ва 4000 АҚШ долларидан пул мукофоти топширилади.

3. Энг яхши илмий нашр учун.

Биология, кимё, математика ва физика йўналишларида 2023-2024 йилларда импакт-фактор журналларида чоп этилган илмий мақолалар кўриб чиқилади.

Ҳар бир фан бўйича ғолибларга сертификат, фахрий нишон ва 2500 АҚШ долларидан пул мукофоти топширилади.

4. Илм-фан коммуникациялари соҳасидаги ютуқ учун.

Ушбу мукофот биринчи марта эълон қилинмоқда. У ИХТ мамлакатларидағи самарали илмий алоқа ва тарғибот фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ва муассасаларга берилади. Танловда илм-фан, таълим, журналистика, тарғибот (outreach) ва кино соҳасида илмий мулоқотга қўшилган улкан ҳиссалар кўриб чиқилади. Ғолибга сертификат, фахрий нишон ва 4000 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти топширилади.

Хужжат топшириш тартиби

“COMSTECH AWARDS 2025” мукофотига номзодлар илмий муассасалар, миллий тадқиқот кенгашлари, университетлар, тадқиқот институтларидан ИҲТга аъзо давлатлар фуқаролари бўлган ва уларда ишловчи олимлар иштирок этишлари мумкин. Номзодлар COMSTECH бош координатори томонидан тайинланган тегишли соҳадаги таниқли олимлар ва эксперtlар ҳайъати томонидан баҳоланади.

Иштирок этувчи шахс ёки муассаса тавсия этилган расмий хат ва тегишли ҳужжатларининг электрон нусхалари COMSTECH котибиятига awards@comstech.org электрон почтасига юборилиши керак.

Мактубда айнан қайси номинация бўйича ариза топширилаётгани ва мазкур соҳага қўшилган хисса аниқ баён қилиниши лозим.

Хатга қўйиги ҳужжатлар илова қилиниши шарт:

- тўлдирилган ва имзоланган ариза намунаси
- таржимаи ҳол - резюме (4000 сўздан ошмаслиги керак)
- илмий нашрлар рўйхати
- муассаса раҳбарининг тавсияномаси.